




2022 йил 30-январ

Қалбаки маҳсулотдан огоҳ бўлинг!



Uzkimyosanoat

  uzkimyosanoat

  uzkimyosanoat.uz

 (998-78) 140-74-08

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамияти томонидан “ОЛТИН” товар белгиси остида ишлаб чиқарилаётган “аммиакли суперфосфат” (АСФ) маҳсулоти республикамиз фермерлари томонидан сифати, юқори ҳосил олишда самарадорлиги ва қопдаги ўлчами аниқ эканлиги эътироф этилмоқа.

Бироқ шу кунларда айрим номақбул кимсалар томонидан корхона маҳсулотларининг, яъни, аммиакли ва оддий суперфосфат (АСФ/ОСФ)ни сохталаштириш ва деҳқонларни пулини олиш мақсадида қалбаки маҳсулотни сариқ рангли сохта қопларга қоплаб (Индорама ва Олтин номини чоп этиш орқали) сотиш ва этказиш билан шуғулланмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳақидаги маълумотлар этиб келган ва корхона томонидан ушбу ноқонуний ҳолатни зудлик билан тўхтатиш мақсадида тегишли ташкилотларига хабар берилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда “Индорама” компанияси мижозлардан мамлакат бозорида “ОЛТИН” бренди остидаги АСФ маҳсулотини сотиб олаётганда маҳсулот сифатини аниқлашда қуйидагиларга эътибор беришларини сўраб қолади:

1. Қоп дизайнини диққат билан кўздан кечиринг ва “ОЛТИН” логотипи дизайнининг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилинг;
2. Маҳсулот таъминотчиси ва этказиб берилган сана ҳақида маълумот беришларини сўранг;
3. Гранулаларнинг сифатини текширинг (ўлчами 2 мм дан ортиқ бўлган гранулалар > 95%);
4. Қопнинг оғирлигини текширинг (соф оғирлиги 50Кг) ;
5. “ОЛТИН” АСФ маҳсулоти сотилаётган дилер/кластерни асл эканини текшириш учун “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ савдо бўлими ходимига қўнғироқ қилинг.

Барча мижозлардан “ОЛТИН” бренди остидаги маҳсулотларнинг қалбакисига дуч келсангиз ёки сизга қалбаки маҳсулот сотишган бўлса, компаниянинг +99873 543-90-01 ишонч телефон рақами орқали хабар беришингиз мумкин эканлигини маълум қиламиз.

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/indorama-oltin-qalbaki>